



## **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI**

**Namangan sh. Istiqlol ko'chasi 57.**

2021 - yil 19 - noyabr

363-6-0-Q/21

Namangan viloyati hokimligi

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ғалла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 15 ноябрдаги ПҚ-10-сон қарори ижроси ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ғалла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 15 ноябрдаги ПҚ-10-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ғалла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 15 ноябрдаги ПҚ-10-сон қарори раҳбарлик ва амалда бажариш учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарори билан:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ғалла етиштириш ва сотишдаги инвестициявий жозибадорликни оширишга қаратилган қуйидаги таклифларига розилик берилгани:

ички бозорни ғалла дони билан кафолатли таъминлаш мақсадида

2022 йилдан бошлаб республика ҳудудида экишга тавсия этилган буғдой навларини хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ер-сув шароитларидан келиб чиққан ҳолда мустақил жойлаштириш;

2022 – 2024 йилларда ғаллачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари етиштирган ҳосилнинг ғалла экилган ҳар гектар суғориладиган майдон ҳисобидан республика бўйича ўртача 2,5 тоннадан буғдойни эркин биржа савдолари орқали, қолган қисмини тўғридан-тўғри шартномалар асосида эркин сотиш;

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) кредит ресурслари ҳисобидан ғалла етиштириш харажатларини қоплаш учун имтиёзли кредитларни ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлари ва ғаллачилик кластерларига ажратиш;

ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари, Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлари ва ғаллачилик кластерларига кредит маблағларидан эркин фойдаланиш, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги техникаларини тўғридан-тўғри харид қилиш ҳуқуқини бериш;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишган ҳолда календарь йилнинг 1 августига қадар буғдойнинг келгуси йил ҳосили учун кутилаётган индикатив нарҳи оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинишини таъминлаш;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ички бозорда дон нарҳлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш бўйича илғор халқаро тажрибани ўрганиш ва унинг ижобий натижаларини республикада жорий этиш мақсадида, бир ой муддатда Жамғарма ва мутасадди вазирликлар ходимларидан иборат ишчи гуруҳини хорижий давлатларга хизмат сафарига юбориш чораларини кўриши;

Ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш тадбирларининг тўлиқ

назоратини таъминлаш мақсадида, Жамғарманинг Дон қабул қилувчилар ва товар-хомашё биржаси билан ишлаш бўлими негизида 11 штат бирлигидан иборат Дон қабул қилувчилар ва товар-хомашё биржаси билан ишлаш маркази ташкил этилиши;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

2021-2022 йилларда “Ўздонмахсулот” АК тизимидаги корхоналарини ғаллачилик кластери ташкил этиш таклифини билдирган тадбиркорлик субъектларига сотиш учун баҳолаш ва фаолият йўналишини ўзгартирмаслик шартида очик савдоларга қўйиш;

“Ўздонмахсулот” АК тизимидаги дон корхоналарига тегишли 20 та уруғлик дон тайёрлаш цехларини солиқ ва Жамғарма олдидаги қарздорлигини (улар бўйича ҳисобланган пенялар, шунингдек, объектни ўтказиш натижасида юзага келадиган солиқларни ҳам инобатга олган ҳолда) объектнинг баҳоланган қиймати миқдорига камайтириш ҳисобига Уруғчиликни ривожлантириш марказига ва тўлиқ модернизация қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик бериш;

Бунда, қарздорлик мавжуд бўлмаган ҳолларда объектлар “Ўздонмахсулот” АКдаги давлат улуши ва “Ўздонмахсулот” АКнинг дон корхоналаридаги улушини тегишинча камайтириш ҳисобига берилиши;

бошоқли дон етиштириш, сотиш ва буғдой нархининг шаклланиши бўйича мазкур қарор билан ўрнатилган тартибни Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг ҳужжатлари билан вақтинчалик тўхтатиб туриш ёки қайта кўриб чиқиш қатъиян ман этилганлиги эътиборга олинсин.

3. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (А.Абдусаламов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (И.Абдуғаниев), Молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов), Статистика бошқармаси (С.Мелихўжаев) ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг вилоят бошқармаси (Н.Каримов) календарь йилнинг:

1 апрелига қадар эркин биржа савдоларига қўйиладиган буғдойнинг фермерлар, кластерлар ва туманлар кесимида тақсимотини ҳамда буғдойни

сақлашга мос ёпиқ сиғимларга эга дон қабул қилувчи хўжалик юрутувчи субъектларнинг рўйхатини тасдиқлаш учун вилоят ҳокимлигига киритсин.

1 августига қадар етиштирилган буғдой миқдори ва ички бозорда буғдойга бўлган талабдан келиб чиқиб, зарур ҳолларда тендер савдолари орқали қўшимча буғдой харид қилиш тўғрисида таклиф киритиб борсин.

4. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (А.Абдусаламов), туманлар ҳокимлари календарь йилнинг май-август ойларида мулкчилик шаклидан қатъи назар, суғориладиган майдонларда ғалла етиштирувчи барча субъектлар томонидан ғалла экилган ҳар гектар майдон ҳисобига вилоят бўйича ўртача

2,5 тоннадан ғалланинг биржа савдоларига чиқарилишини таъминлаш учун шахсан масъуллиги белгилаб қўйилсин.

5. Бошқармалар, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг:

а) бошоқли дон етиштиришда агротехник тадбирларни ўтказиш, моддий-техник ресурслар билан таъминлашга;

ажратилган имтиёзли кредитлардан фойдаланиш йўналишларига;

буғдойни сотиш жараёнларига, шу жумладан шартномалар тузишга, хўжаликларни дон тайёрлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи маълум корхоналарга бириктириш, республика ҳудудлари ўртасидаги ички ташувларга аралашуви;

б) ғаллачилик кластерлари фаолиятига чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа йўналишларни қўшиш тўғрисида ёзма ёки оғзаки тартибда кўрсатма беришлари қатъиян тақиқланади.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (И.Абдуғаниев), Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (А.Абдусаламов), Монополияга қарши курашиш бошқармаси (А.Абдуллаев), Статистика бошқармаси (С.Мелихўжаев) ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бошқармаси (Б.Нурматов) билан биргаликда 2022 йил 1 мартга қадар барча туманлар марказий деҳқон бозорларидаги буғдой ва бошқа асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархларини “on-line” тарзда кузатиш имконини берувчи электрон платформани ишга туширсин.

7. Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (А.Абдусаламов) икки ой муддатда:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бошқармаси (Б.Нурматов) билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган ерларни, шу жумладан бошоқли доннинг экилиши, унинг ривожланишини учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар) ёрдамида кузатиш ва мониторингини юритиш имконини берувчи электрон платформани ишга туширсин;

“Намвилерлойиха” илмий-лойихалаш институти (Т.Шерматов) томонидан қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларининг вегетатив ҳолатини учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида кузатилишини йўлга қўйсин;

“Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институтининг “Ер ахборот тизими” порталида қишлоқ хўжалиги экинларининг жойлаштирилиши, шу жумладан такрорий ва тўқсонбости усулида етиштириладиган экинлар тўғрисида маълумот берувчи электрон базани шакллантирсин.

8. Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (А.Абдусаламов), Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси (А.Гафаров) билан биргаликда бошоқли дон етиштириладиган майдонларда зараркунандалар ва касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида тизимли кузатувни ташкил этсин, хўжаликлар томонидан экинларни ҳимоя қилиш ишлари ўз вақтида бажарилишини назоратга олсин.

Фавқулудда ҳолатларда ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан экинларни ҳимоя қилиш таъминлансин.

9. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг вилоят бошқармаси (Н.Каримов), туманлар ҳокимлари экинларни жойлаштириш бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг хўжаликлар томонидан бажарилиши юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

10. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (И.Абдуғаниев), Молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов), Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (А.Абдусаламов) икки ҳафта муддатда ғалла етиштириш ва сотишда бозор тамойилларини жорий этиш жараёнида амалга ошириладиган ишлар бўйича “Йўл харитаси”га таклиф ишлаб чиқиб, вилоят ҳокимлиги билан келишган ҳолда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни

қисқартириш вазирлигига киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи А. Абдусаламов, Молия бош бошқармаси бошлиғи З.Бахриддинов ҳамда туманлар ҳокимлари белгилансин.

12. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Юсупов ва вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Ҳакимов зиммаларига юклансин.

**Viloyat hokimi**



**Sh.Abdurazakov**